

ГУЛАСАЛ ИСМОНОВА

**СОҒИНЧИМ УЛҒАЯР
ДИЛИМДА**

Шеърлар



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(54)6-6

Шеърлар

Гулал Исмонова ҳали лицей ўқувчиси. У ҳали изланиш, ҳаётда ўз ўрнини топши жараёнини бошдан кечирмоқда. Юрагига тинчлик бермаётган фикру-хаёлларини шеър тилида айтишни ният қилган. Ёш шоира нималаргадир эришган, гоҳо кўнғилдагини мисраларда ифодаланишига қийналаётир, лекин бу йўлда ҳеч ким шикланмаслиги, изланишдан толмаслиги керак, чунки шеъриятда машаққатларсиз иш битмайди. Устозлар меросини тинмай ўқиб-ўрганиш, яхшилардан ибрат олиш, мисраларга эринмай сайқал бериш, омад қалити эканлигини англаган кишигина бу йўлда ниятига эришади. Мен унга бу эзгуликка элтувчи йўлда омадлар ёр бўлишини тилайман.

Зулфия Мўминова,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмасининг аъзоси,
шоира

Ю 31825
091

20.06.2005
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MI

ISBN 5-633-01799-4

© Гулал Исмонова. «Соринчим улғаяр дилимда».
«Янги аср авлоди», 2005 йил

БОЛАЛИКНИ ҚЎМСАВ

Агар имкон бўлсайди олис
Болаликка жон деб қайтардим.
Шамолларга тутиб кўксимни,
Қир баррида қўшиқ айтардим.
Афсус орзу қилганим рўё,
Йиллар менга қайрилиб боқмас.
Умр деганлари дунёда,
Дарё каби ортига оқмас.
Ёз ўрнини эгаллайди куз,
Келаверар қишдан сўнг баҳор.
Лекин менинг болалигим—чи?
Баҳор каби келмайди такрор.
Кўз ўнгимдан кетмайди сира,
Ўйнаб юрган дала, борларим,
Қандай яхши эди ўшанда!
Пок, беғубор шодон кунларим.
Узр менинг ўйинчоқларим,
Энди сизни ўйнасам, уят.
Хафа бўлманг фарзандларимга,
Сизни асраб қўяман албат.



СИНГЛИМ ГУЛАНДОНГА

Бобур, Чўлпонлар юрти беназир Андижонда,
Бир қиз дунёга келди шундай гўзал маконда.
Волидаси Ҳалима, Турғунбойдир падари,
Чақалоқнинг исмини Гуландон деб атади.

Бир ўғил , тўрт парининг тўртинчиси бўлади,
Гар табассум айласа дунё нурга тўлади.
Улайиб ўн олтига тўлди бугун Гуландон,
Тиллари бурро, асал, сўзлари моҳитобон.

Алплар каби шижоати, йигитлардек журъати,
Зилол сувдай шаффоф эрур ҳам сийрати, суврати.
Бир кун келиб халқимга содиқ фарзанд бўлажак,
Билиб қўйгин синглим, сендан умидвордир келажак.

БАҲОР

Яна водийларга чорлайди баҳор,
Торларда очилар гулу лолалар.
Яна шошинқираб оқади анҳор,
Энди гавжум бўлар ҳар кун далалар.

Энг аввал оқ либос кийди бодомлар,
Сўнг ўрик гуллади мисли келинчак.
Фанимат бўлади бир кун бу дамлар,
Дея бош кўтарди ҳаттоки печак.

Қуёш ҳам фалакда нурларин сочар,
Кундан-кун қиздирар бутун оламни.
Табиат бизларга бағрини очар,
Интизор кутгандай шу улур дамни.

Баҳорни дейдилар уйғониш фасли,
Гўзаллик бобида ўхшар малакка.
Гўё муҳаббатдан яралган асли,
Оҳиста сингиган ҳар бир юракка.

Баҳор сени кутдик, кўзлар бўлиб зор
Мана етиб келдинг ўзбек элита.
Сенга атаб ёзган газалларим бор,
Кел, илҳом бағишла хушнуд дилимга.

Сен келиб, гулларга тўлди бу олам,
Чин дилдан чалгайман энди созимни.
Сени қўшигимда куйлайман баҳор,
Бир тинглаб кўргин-чи шўх овозимни.



СОҒИНЧ

Сизларни тобора қўмсайди юрак,
Айрилиқ кунларим дард бўлса керак.
Қалбим ҳам талпинар сизга, сиз томон,
Соғинчим улғаяр дилимда ҳамон.
Ўртаниб қалқийди кўзда ёшларим,
Сизларни соғиндим, синфдошларим.

Суҳбатлар қурибмиз давралар қайноқ,
Мактабда юрардик шодон ва қувноқ.
Билмасдикда ҳали аччиқ вазмларни,
Пайқамай қолибмиз ўтган дамларни.
Соғинч ўртамоқда эй тенгдошларим,
Сизларни соғиндим, синфдошларим.

Юрагим айтади дўстларингга бор,
Уларни кўриб кел дея қистайди.
Айтарларки: Дўсти кўпга омад ёр,
Дил сизни бахтиёр кўрмоқ истайди.
Сизга сўзим кўпдир, йўқ бардошларим,
Сизларни соғиндим, синфдошларим.



ХАЙР СИНФДОШИМ

Теккан тегиб тегмаганнинг,
Ортидан тош отардик.
Устозларни майна қилиб,
Роса кулиб қотардик.
Юрар эдик дарсдан қочиб,
Кезар эдик кўчалар.
Нетай қисмат бизни айриб,
Барчамиздан ўч олар.

Мана бугун янграмоқда,
Хайҳот сўнгги кўнғироқ.
Сўнгги деган сўзнинг ўзи,
Қалбимга солар фироқ.
Юракларда ўзгача ҳис,
Ўзгача бир ҳаяжон.
Кўнғилларчи гоҳи ғамгин,
Гоҳида эса шодон.

Муҳаббатнинг нашидаси,
Забт этгани жисмимни.
Синфдошим биллагига
Ёзган эди исмимни.
Орауимиз бошқа-бошқа,
Айро тупди йўлимиз.
Шу кунгача бирга эдик,
Узилишди қўлимиз.

Дам қувишиб, дам кулишиб,
Юрар эдик у дамлар.
Қадрингизга етмабман мен,
Қалбим тирнар аламлар.
Урушсамда, койисамда,
Нолимас партадошим.
Мени кечир, хайр, энди
Азизим, синфдошим.



ОНАМГА МАКТУБ

Аста қалам олдим қўлимга
Негадир кўзларим ёшланди.
Дилдаги соғинчлар зарбидан,
Мактубим шундайин бошланди.

Аҳволингиз яхшими ойи,
Омонилар дадажонимиз?
Жиянларим ўйнамоқдами,
Тўлдиришиб хонадонимиз?

Қариликни бўйнига олмай,
Ҳамон бувам тинмаётгандир.
Совуқ чойи, кетмони билан,
Шудгоридан чиқмаётгандир.

Келин ойим, акам, опамлар,
Сингилларим юришибдими.
Сизга ёзган мактубларимни,
Бирга ўқиб туришибдими.

Менга деган гилосларингиз,
Шириллатиб роса солгандир.
Ё шумтака жиянларимдан.
Шоҳларини ўзи қолгандир.

Каминанинг соғликлари зўр,
Ҳавотирга тушманг сира ҳам.
Ўқишлари, ишлари аъло.
Кўнглингизни қилинг хотиржам.

Ўқишда кўп дўстлар орттирдим,
Доим бирга аҳил-иноқмиз.
Ҳаммасидан кўра опамдай,
Бўлиб қолди Зебо деган қиз.

Ўқишларим охирлаб қолди,
Тугашига боргум сиз томон,
Кўришгунча хайр азизлар,
Ўзингизни асранг соғ-омон.



ОТАМ

Фарзандим ҳеч кимдан кам бўлмасин деб,
Дилида ғубору, ғам бўлмасин деб,
Бесабаб кўзлари нам бўлмасин деб,
Кўзларига уйқу илмаган отам,
Меҳнатдан толиқиш билмаган отам.

Зум бўлмаса уйда қадри билинган,
Ўзи емай боламга деб илинган,
Бетоб бўлсак юрак-бағри тилинган,
Кунларин тунларга улаган отам,
Дилбандига соғлиқ тилаган отам.

Сиздан ибрат олиб ўғил-қизингиз,
Мароқла тинглайди айтган сўзингиз,
Бизга ҳар нарсадан азиз ўзингиз,
Ўзингиз таянчим, ўзингиз борим,
Ишончим, қувончим сиз мададкорим.

Бизлар бор бўлганда, борбон ўзингиз,
Магар карвон бўлсак, сарбон ўзингиз,
Ҳар қандай дардимга дармон ўзингиз,
Тунлари тинмаган бедорим отам,
Ҳам кучим, қудратим, мадорим отам.



УЙҚУЧИ САИД

Соат саккиз бўляпти,
Саид бўлса уйқуда.
Ҳамма мактабга кетар,
У-чи ухлар беҳуда.
Уйғониб қараса-ки,
Кеч қолибди бечора.
Апил-тапил ювиниб,
Топа олмасди чора,
Ахир айб ўзида,
Турмасиди эртароқ.
Мактаб томон жўнади,
Сочига тегмай тароқ.
Саид мактабга етиб,
Эшикни шошиб очди.
Уни кўриб бир бола,
Ажина! — дея қочди.



ДУНЁ

Яхшилардан ёмонинг кўп экан дунё,
Сенга кўнглим очиб эдим, дардим тўкиб.
Менга ғамхўр бўлолмадинг онамдайин.
Яшайлман дилим сиёҳ руҳим чўкиб.

Ростдан кўра ёлронинг кўп экан дунё
Соддаманда ишонибман дўстман десанг.
Бугун ҳамма орзуларим бўлди рўё,
Қани энди, сен ҳам менинг ғамим есанг.

Савобингдан заволинг кўп экан дунё,
Дашномларинг кўтаролмай юрагим зил.
Одамларни ўхшатибман мен ўзимга,
Аслида-чи, ҳар хил бўлар экан кўнги.

Бунчалар ҳам қаҳринг қаттиқ экан дунё,
Нечук қулоқ солмагайсан сўзларимга.
Кўз ўнгимда бўлаверар ноҳақликлар,
Шайтон мисол кўринасан кўзларимга.

Бугун барча-барчасидан тўйдим дунё,
Лек шунда ҳам отам дея яшашим шарт.
Менга илинж кўзи билан боқиб турган,
Онам дея, Ватан дея яшашим шарт.



УСТОЗЛАР

Билим бериб бизларга.
Шодон ўғил-қизларга.
Тўғрилиқка йўлловчи
Таъзимдамиз сизларга
Бағри баҳор устозлар!

Шогирдлар қалб қўрида.
Сақланар дил тўрида.
Ҳақиқатни қўлловчи,
Инсонларнинг зўрида
Бағри баҳор устозлар!

Ижодкорлиқдир аҳдим,
Шундадир менинг бахтим.
Достонларни куйловчи,
Сизгадир ушбу мадҳим
Бағри баҳор устозлар!



УМР

Умр деганлари бир гунча мисол,
Тез кунда очилиб хазон бўлади.
Сен ундан унумли фойдаланиб қол,
Шунда келажагинг равон бўлади.

Вақтнинг ўтиши ўзингга аён,
Шамс ботмай туриб, кўринар қамар.
Баъзилар сайр этиб юрадир ҳар ён,
Омонат умр ҳам ўтар бесамар.

Ҳар дақиқа, ҳар он, ҳар кун раҳимат,
Уни ўтказайлик эзгу иш қилиб.
Умр биз учун берилган неъмат,
Шуни унутмайлик ўткинчи билиб.



ОДАМСИМОН МАЙМУНЛАР

Ноҳақликни кўриб кўрдим демаслар,
Бир кун борми ҳалол луқма емаслар.
Фақат ўзи еса, кийса бас,
Ночорларга ҳады, эҳсон бермаслар.

Онасини зарра ҳурмат қилмаслар,
Ўғитларни назарига илмаслар.
Нечун улар одам бўлиб яралган,
Наҳот имон деган сўзни билмаслар.

КЕЛИНЧАК

Оқ кўйлакка бурканиб бутун,
Ўз уйингдан кетиб борарсан.
Ўзгачадир юзларинг гулгун,
Ёт уйига етиб борарсан.

Ота-онанг икки қўлларин,
Бирлаштириб очар дуога.
Ўтинаман қизим йўлларин,
Ёруғ қилгин дея худога.

Янги ҳаёт, янгича дунё,
Дугонажон муборак бўлсин.
Орзуларинг бўлмасин рўё,
Хонадонинг фарзандга тўлсин.

Ҳамроҳ бўлсин сенга саодат,
Ҳамроҳ бўлсин ҳамиша омад.
Бахтингизга кўз тегмасин ҳеч,
Доим бўлинг дейман саломат.




МУСЛИМБЕК ХОТИРАСИГА

Муслимбек укам қайларга кетдинг,
Онангни йирлатиб дил пора этдинг.
Юрмасмидинг бизнинг орамизда,
Сен ўйнаб, кулиб тўйхонамизда.

Йиғи-сигидан тинмайди онанг,
Ўвиллаб қолди беланчак, хонанг.
Жарангдор йиғинг, кулиб боқишинг,
Ўтмиш бўлдими бизга ёқишинг.


Йирлаб туғилиб, йирлатиб кетдинг,
Сен бу кунларни кўрмайин ўтдинг.
Бизга сенинг исминггина қолди,
Оллоҳим сени жисмингни олди.

Сени Яратган эгам қўлласин,
Жаннат эшиги томон йўлласин.
Кетган бўлсанг ҳам сени ҳеч қачон.
Унутмагаймиз азиз укажон.



ОЙГУЛГА

Ойгул деган исминг деб,
Мингта жонлар шайланар.
Йигитлар ҳам ҳуснинг деб,
Девонага айланар.
Неча-неча йигитлар,
Сен томон йўллар мактуб.
Кўзлар бўлар интизор,
Мактуб жавобин кутиб.
Сенга хўп ярашади,
Табассум, қизлар нози,
Куйласанг, овозингта
Жўр бўлар дутор сози.
Ошиқу беқарорлар,
Пойингта гул тўшасин,
Севган ёринг баҳодир,
Алпомишга ўхшасин.



ЮРТИМГА ТАБРИК

Менинг кўзимдаги қароғсан юртим,
Олтин кузимдаги япроқсан юртим.
Зимистон қалбимга зиё улашиб,
Туним ёритувчи чироқсан юртим.

Мен гул бўлганимда сенсан борбоним,
Гар қул бўлганимда ўзинг султоним.
Менга олислардан боқиб тургувчи,
Замин бўлганимда ўзинг осмоним.

Бувим айтиб берган эртагим ўзинг,
Беғубор орзуйим, тилагим ўзинг.
Барримда мен билан бирга яшовчи,
Уриб турган жўшқин юрагим ўзинг.

Бахтдан кулаверсин кўкда қуёпинг,
Доим омон бўлсин азиз юртбошинг.
Жаннатдек беназир Ўзбекистоним
Қутлуғ бўлсин сенинг муборақ ёшинг.

МУНДАРИЖА

Болаликни қўмсаб	3
Синглим Гуландонга	4
Баҳор	5
Соғинч	6
Хайр синфдошим	7
Онамга мактуб	8
Отам	9
Уйқучи Саид	10
Дунё	11
Устозлар	12
Умр	13
Одамсимон маймунлар	14
Келинчак	15
Муслимбек хотирасига	16
Ойгулга	17
Юртимга табрик	18

Адабий-бадший наизр

ГУЛАСАЛ ИСМОНОВА

СОҒИНЧИМ УЛҒАЯР ДИЛИМДА

Шеърлар

Мухаррир	Азиз САИД
Бадий муҳаррир	Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир	Елена ДЕМЧЕНКО
Мусахҳих	Наргиза МИНАҲМЕДОВА
Компьютерда саҳифаловчи	Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4097

Босилган 15.11.2005й да ружсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 0.625. Шартли босма тобоғи 1,05

Адади 500 нуска. Бузуртма № 266.

Баҳоси келишилган наржда.

«Янги аср авлоди» наприёт-матбعا марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.